

КЎЧАТ ЭКИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ 40 КУНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА.



Ўзбекистонда жорий йилнинг 20 октябридан 1 декабргача кўчат экиш бўйича долзарб 40 кунлик эълон қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11-октябр куни ўтказилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар мавзусидаги видеоселектор йиғилишида маълум қилинган эди.

Шу муносабат билан бугун Қумқўрғон туманида М-41 халқаро магистрал автомобил ё'лининг ён атрофларига “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2000 дона кўчат экилди.

Долзарб 40 кунлик кўчат экиш жараёни 1-декабргача давом этади.